



Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз,
Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

ЎЗБЕКISTON

OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA



■ 2003-ЙИЛ ■ 1-СЕНТАБР ■ DUSHANBA ■ 108 (27.128) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКISTON МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ



учун хушёр ва сезгир бўлиб, азму шижоат билан ўз танлаган йўлимизни давом эттиришимиз зарур.

Бугун эл-юртимизнинг ният ва орзулари, интилиш ва ҳаракатлари, ўз олдига қатъий қилиб қўйган мақсадлари аниқ ва равшан. У ҳам бўлса:

— она Ватанимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, ҳаётимиз барқарорлигини, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш. Хонадонимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик каби бало-қазоларни оstonамизга мутлақо яқин йўлатмаслик;

— ҳаётимизда ҳали-бери учраб турадиган бепарволик ва лоқайдликдан воз кечиб, замон шиддати олдида бўш келмасдан, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда бошлаган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва охирига етказиш;

— жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоҳанг бўлиб, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, демократик қадриятларини ҳаётимизда қарор топтириш, бу борада эски тузумдан қолган асорат ва ёндашувларга бутунлай барҳам бериш, бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий ва амалий замин яратиш;

— буюк аждодларимиз асрлар давомида яратган бекиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш, фарзандларимизни етук инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслик — давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий устувор вазифаси бўлиб қолиши айниқса муҳимдир;

— мен мўтабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, уларни ёнимизда юрган пайтларида қадрлаш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш каби халқимизнинг азалий фазилатлари барчамизга ҳамisha ҳамроҳ бўлишини истардим.

Ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда қалбимдаги эзгу хис-туйғуларни изҳор этиб, аввал айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман:

Азиз дўстлар!
Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Мана шу мунаввар оқшомда сиз, муҳтарам юртдошларимиз, олижаноб ва бунёдкор халқимизни истиқлолимизнинг ўн икки йиллик қутлуғ айёми билан яна бир бор табриклайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, омад ва бахт, хонадонларингизга файзу барака тиламан.


Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

МАНГУ ПОРЛАР ЭРК ҚУЁШИ

Тонг отди. Бу тонг бошқа тонгларга ўхшамайди. Истиқлол тонги бу...

Куёш бугун Мустақиллик майдонига тушади. Тонг қадр шуғуланиб, нур сочиб туради. Бугун Тошкентнинг ҳамма кўчалари Мустақиллик майдонига элтади. Ўзбекининг энг катта байрами шу ердан бошланади ва қанот қоқиб бутун юрт узра парвоз аилайди. Ватанимиз сарҳадлари бўйлаб кезаётган бу саррин ел энг чекка қишлоқдаги хонадонларгача кириб боради. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамлар оқими ўша шуғла томон, МУСТАҚИЛЛИК ҚУЁШИ томон интилади.

(Давоми 2-бетда.)



Публицистика

ИСТИҚЛОЛ, УЛУҒЛАЙМАН СЕНИ ТО АБАД!

ЁХУД МИЛЛИЙ МАНЗИЛИМИЗ — ОЗОДЛИККА ТАШНАЛИК

ХОТИРА. 1991 йил, 31 август. Кеңагидек эсимда. Ўзим гувоҳ, Ўзбекистон Республикаси Олий Кеңашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси. Минбарда давлатимиз раҳбари **Ислом КАРИМОВ:**
«МЕН БУГУНДАН ЭЪТИБОРАН БИРИНЧИ СЕНТЯБРИ ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК КУНИ, УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМАН».


Ҳамма ўрнидан турган... Кувончлар, севинчлар... Юзларда, кўзларда шодлик-шодумонлик, дилларда, тилларда шукроналик лутфлари...
Ҳа, ўша кун, ўша соат, ўша лаҳзалардан бошлаб, халқимиз тинч ва осойишталик йўли билан ўзининг азалий ҳуқуқига — ўз тақдирини ўзи белгилаб, ўзининг чинакам ҳуқуқий демократик давлати пойдевориغا тамал тоши қўйди.
Наздимда, ўша лаҳзаларда азал-азалдан Ватаним, элим деб ҳаёти — жонини тиккан

улуг аждодларимизнинг арвоқлари бир кўзғалиб тушди... Рухлари шод бўлиб, эр-ка, озошликка ташналик билан ўлкамиз кўкида, халқимиз кўксига айлана бошладилар...
...Аҳмонийлар босқинига қарши курашда Тўмарис момомиз ўғлидан ва кўлаб жангчи йигитларидан айрилди. Босқинчи Дорро эрк ва озошлик курашчиси Широқнинг бошини танаасидан жудо қилди. Спитаменнинг калласи олинди. Македониялик Исқандар Зул-

карнай истилосида минглаб аждодларимиз қириб ташландилар... Рухлари оловда ёнди. Мангуберди ўлим қучоғига ўз оёғи билан борди...
Қатагон йиллари қурбонлари Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Мунаввар Қори, Бехбудий, Абдулла Авлоний, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев...
Қулоқларим остида ўтган асрнинг 14-15 йилларида шoir Сўфизоданинг: «Қудди мани жоҳиллар ўшандоқ Ватанимдан,

Лекин қува олмас суҳанимни даҳанимдан...» деган фарёди кўтарилди. **Мунаввар Қори:** «Зиёли — Миллат, Ватан нима эканини билур ва зиёли Миллат учун жонини, молини фидо этар, Миллатнинг тараққийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда, Миллат учун ўзини ҳалокат картасига (қарига, тахририят) ташламакка муҳайё бўлур...» дегандек лаб жуфтлади.

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ



31 август тонггида Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи янада гавжум бўлди. Мустақиллик йўлида жон фидо этган, мустабид тузум қурбонлари бўлган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун бир гуруҳ юртдошларимиз бу ерга келди. Барчанинг қалбига шаҳидлар хотирасига ҳурмат, эришган қутлуғ кунларимизга шукроналик туйғуси муҳасам. Мустақиллик куни байрами арафасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш билан нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунлар-

римизни ҳам янада теранроқ англаймиз.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қатагон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган маросимда иштирок этди.
Бу ерда шаҳидлар ҳақида Қуръон тиловат қилинди.
— Ҳар бир мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдида кўндан-кўп муҳим масалалар пайдо бўлади, — деди давлатимиз раҳбари. — Шундай эзгу ишлардан бири бугунги қутлуғ кунларга эришимизга муно-

сиб ҳисса қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш бўлмағи керак. Элимиз озошлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз ёдини доимо эсда тутмоғимиз даркор.
Мустабидлик жафосини кўрган киши мустақиллик қадрини, айниқса, теранроқ англайди. Утган асрнинг 80-йилларида собиқ марказдан юборилган «десантчилар» тўдаси халқимиз бошини бу ерга йилгиланларнинг кўнчилиги кўрган, бевосита гувоҳ бўлган.

(Давоми 3-бетда.)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASII PRESIDENTII ISLOM KARIMOV JANOBII OLIYILARIGA

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан самимий табрикларимиз ва тилакларимизни қабул этгайсиз.
Хиндистон ва Ўзбекистонни боғлаб турган тарихий ва қадимий алоқалар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг дўстлигига асослангандир. Ушбу ришталар узок йиллар давомида ўзаро манфаатларимиз ҳамда минтақамиздаги тинчлик ва барқарорлик йўлида бундан буюн ҳам раванқ топиб браверишига ишонаман.
Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг дўст халқига эса фаровонлик, тараққийёт ва раванқ тилайман.
Эҳтиром ила
А.П.Ж. Абдул КАЛАМ,
Ҳиндистон Республикаси Президенти

Янги шеър

ЭЛДА БЎЛСИН

Кимдир хушнуд давлатининг донги билан,
Кимлар сархуш ибодатли тонги билан,
Одам азиз бу дунёда онги билан,
Хуш ният қил, дилда бўлсин, тилда бўлсин,
Тилаганинг, энг аввало, элда бўлсин.

Ўз еринини ёмон десанг яхшини қани,
Қадрига ет пойингдаги гул чамани,
Шу ватан-ку азиз қилган сану мани,
Тупроғини ўн, дала, дашту чўлда бўлсин,
Қут-барака, энг аввало, элда бўлсин.

Бегоналар боғларингда боғбон бўлмас,
Нолиш билан мушкулларинг осон бўлмас,
Юз йил тилап, тер тўкмасаңг тўраңг тўлмас,
Аллоҳ берсин, сенда бўлсин, менда бўлсин,
Дуо қилгин, энг аввало, элда бўлсин.

Қадринг учун қўлни қўлга боғлаб яша,
Эркин учун ўзини жангга чоғлаб яша,
Юз йил яша, душман кўнглин доғлаб яша,
Элим деган мард яроғи кўлда бўлсин,
Тинч-омонлик, энг аввало, элда бўлсин.

Маҳмуд ТОИР

МУСТАҚИЛЛИК ТАРИХИ ЗАРВАРАҚЛАРИГА ОЛТИН ҲАРФЛАР БИЛАН МУҲРЛАНГАН СЎЗЛАР

1991 йил 31 АВГУСТ

Мен шу бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман...

1992 йил 31 АВГУСТ

...Мустақил давлат тузиш онларига етиб келганимиз, авваламбор, асрлар давомида буюк истиқлолнинг машаққатли йўлида халқимизнинг, унинг асл фарзандларининг тинимсиз олиб борган жон фидо курашлари натижаси бўлди...

1993 йил 31 АВГУСТ

...Икки йиллик истиқлол даврида жонахон диёримизда бўлаётган ўзгаришлар халқимизга ишонч ва умид бағишламоқда...

1994 йил 31 АВГУСТ

...Биз учун истиқлол — давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажакимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир...

МУСТАҚИЛЛИК ТАРИХИ ЗАРВАРАҚЛАРИГА

1995 ЙИЛ 31 АВГУСТ

...Бизнинг бугунги энг буюк вазифамиз ва муқаддас бурчимиз — Ўзбекистон тарихидан ўзимизга муносиб саҳифа очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат бўладиган олижаноб ва савобли ишлар билан тўлдиришдир...

1996 ЙИЛ 31 АВГУСТ

...Минг бора шукроналар бўлсинким, бугун Ўзбекистонимиз ўзининг салоҳияти ва куч-қудратини англаб, истиқболга ишониб, Ҳумо куши каби қанотларини кенг ёзиб, янада буюк парвозлар сари отилмоқда...

1997 ЙИЛ 31 АВГУСТ

...Ўтган олти йил Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўли тўғри эканини тасдиқлади. Буни ҳар кунги ҳаётимизда ҳис этиб турибмиз. Ўзбекистон дунёга юз очди. Бизни бутун дунё таниди ва эътироф этди...

1998 ЙИЛ 31 АВГУСТ

Атрофимизда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга, ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишга, ягона уйимиз, кўрғонимиз, муқаддас оиламиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини мустақамлашга даъват этади, фидойиликка чорлайди...

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Мустақиллик кунини муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига гоат самимий қутловларимни йўллаш менга жуда катта мамнуният бахш этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳаётида муҳим палла бошланди. Биз Мингйиллик декларациясида мустақамланган тинчлик ва тараққиёт дастурини амалда рўйбга чиқариш учун вақтни бой бермаслигимиз зарур. Модомики, биз фарзандларимизга чекланган дунёсини эмас, балки имкониятлар дунёсини қолдиришни истар эканмиз, халқаро ҳамжамият қашшоқликдан экологик булганшигача, ОИТСдан қуролли можаролар ва терроризмгача бўлган муаммоларни ҳал этишда сый-ҳаракатларини икки қарра кучайтириши лозим.

Биз бир-биримизни бирлаштириб турган муштарак мақсадларни амалга ошириш йўлида кўпроқ ишлашимиз зарур. Бунинг учун биз умумий хавф-хатар ва инсониятни пароканда қилишга уринаётган кучлар билан курашда ўзимизнинг қўшма имкониятларимиздан фойдалана оламиз. Шунки қайд этиб ўтиш қувонарлики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мана шу олижаноб жаҳоншумул миссияни адо этар экан, Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлашга, содиқлик ва пешқадамликни давом эттиришига умид боғлай олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Кофи АННАН,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Миллий байрам муносабати билан имкониятдан фойдаланиб, Сизга Италия халқи ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам раванг топилгани тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллаяман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тобора мустақамланади, деб ишонч билдираман ва Сизга омонлик тилаяман.

Карло Адзельо ЧАМПИ,
Италия Республикаси Президенти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистоннинг байрамлари кўп, тўйи кўп, яхши кунлари кўп. Аммо у шу кунни — Мустақиллик кунини интизорлик билан кутади.

Биз бугундан гапирганда эртани ўйлайдиган, эртадан сўзлаганда кечани унутмайдиган миллатимиз. Шобён кунларимиздан масрур бўлганимизда қоронғу тунларимизни эслаймиз ва ёруғ кунларга етказганига шукр қиламиз. Истиқбол масъулият эканини яхши биламиз. Яшаш масъулияти, Ватанга садоқат, соғлом авлодни воёга етказиш, ота-боболар меросини асраш, юртни обод қилиш масъулияти.

Мустақилликнинг ҳар бир йили асрларга тенг. Ўтган ўн икки йил ичида биз оламшумул ютуқларга эришдик. Иқтисодий мустақамлаб, миллий давлатчиликни қарор топтирдик, фуқаролар оғида улкан ўзгаришлар юз берди, янгича тафаккур шаклланди, миллий меросимизни, ўнлаб буюк аждодларимизнинг номи ва шухратини, азалий думларимиз ва аъналаримизни қайта тикладик.

Ўтган йилларда эришилган ютуқларни санаб адоғига етолмаймиз. Юртимиз жаҳонга юз тутгандан гапирайликми, ўзбек фарзандлари дунёнинг нуфузли олий ўқув юрларида таълим олаётгани-ю, жаҳон спорт майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтарётганидан сўзлайликми?! Фарзандлари қора меҳнатдан бошқасига ярамайди деб камситилган юртда замонавий автомобилсозлик саноати пайдо бўлганини айтилайликми?! Энг чекка қишлоқларимизга ҳам саноат кириб бораётгани, озлаб қўшма корхоналар ташкил этилгани, кичик корхоналарнинг эса сон-саногий йўқлиги ҳақида гапирайликми?!

Бир пайтлар «хомашё базаси» деб аталган Ўзбекистонда эндиликда оғир ва енгил саноат, автомобилсозлик ва машинасозлик, самолётсозлик, кончилик, нефтьгаз, қайта ишлаш саноатида катта ютуқлар қўлга киритилгангани бутун дунё билди. Нефть, газ, мустақиллигига эришдик. Барқарор ривожланиш пойдевори яратилди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказлари тизимининг ташкил этилиши жаҳон тажрибасида янгилик сифатида эътироф этилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури эса узлуксиз таълимнинг, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларини малакали мутахассислар билан таъминлашнинг ўзбек модели сифатида шухрат қозонди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳақида гапирмасликнинг эса иложи йўқ. Салкам бир аср мобайнида ўз ери, ўз мулки бўлмаган ўзбек деҳқонининг кўкрагига шамол теғди. «Фермер» деган тушунча уни мулкдорга айлантирди, онгида янгилашни ясади. Одамларнинг мулкка, меҳнатга муносабати ўзгарди.

Улуғ байрам кунини мамлакатимиз галлакорлари эришган улкан ютуқ-бояпти. Бунинг боиси мамлакатимизнинг дунёдаги деярли барча давлатлар билан тенг ҳўқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида самарали ҳамкорликни тобора ривожлантираётгани, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик ва ҳавфсизликни асраб-авайлаш, халқаро ҳўқуқ устуворлиги каби тамойилларга тўла амал қилаётганидир.

АҚШ ва Япониядек қудратли давлатлар билан стратегик шериклик расмийлаштирилгани, бошқача айтганда, Магриб ва Машриқда қийметли дўстлар, ишончли ҳамкорларга эга бўлганимиз ташки сийосатимиздаги улкан галаба саналади...

Бугун Тошкентнинг барча кўчалари Мустақиллик майдонига элди. Шафақ ол рангда товланади. Кўчаларни тўлдирган одамлар оқими минглаб чироқлар нуридан шўьланаётган рамзий миноралар томон ошмакчи.

Ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, маданият ва санъат намоёндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколато-

МАНГУ ПОРЛАР ЭРК ҚУЁШИ

наларининг вакиллари, энг улуғ ва энг азиз байрамимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар амфитеатр саҳнидан жой олди.

31 август. Соат 19.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди. Байрам тадбирига ташриф буюрганлар Юртбошимизни қарсақлар билан қўтиб олади.

Чорлов мусиқаси янграб, байрам бошланаётганидан дарак беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов минбарга тақлиф этилади.

Ўн икки! Бир йилда ойлар миқдори, Ўн икки соатдан кечаю кундуз. Ўн икки йил эрур бир мучал бори, Байроғим узра ҳам ўн икки юлдуз. Ўн икки бор отилган замбараклар садоси ўзбекинг энг улуғ ва энг азиз байрами бошланганидан бутун дунёга жар солади. Улкан саҳнада театрлаштирилган томоша бошланади.

Энг гўзал шеър Ватан ҳақидаги шеърдир. Энг жозибали қўшиқ Ватан ҳақидаги қўшиқдир. Салкам бир аср «Бир қўшиқ бер, мудроқ қалбларни. Гафлат уйқусидан уйғотсин!

шодлик ва қувонч ҳақида, офтоб ва китоб ҳақида қуйлайди. Уларнинг биллурдек шаффоф юракларида ўтмишнинг аламий кунларидан, ҳасрату армонлардан қолган доғлар йўқ. Улар озод юрт болалари. Куй ва қўшиқлари ҳам шунга монанд. Шўҳ болакайлар ортидан саҳна марказига мамлакатимизда кенг қанот ёзган барқамол ва соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилувчи оммавий спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Барқамол авлод», «Универсиада» иштирокчилари ва голиблари кириб келади. Улар сафида мамлакатимиз шухратини оламга ёйган машҳур спортчилар — Ўзбекистон ифтихорлари бор.

Мустақилликнинг илк кунларида ноқ Юртбошимиз ёш авлодни барқамол, соғлом қилиб воёга етказишга алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жағмафари ташкил этилгани бу борадаги навбатдаги дадид қадимдир. «Болалар спорти» деган янги атама пайдо бўлди. Бугун юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида, маҳалла ва қишлоқларида болалар спортини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бир-бирига занжирдек боғланган мусиқанинг кейинги халқаси — қудратли марш садолари янграйди. Майдонга ўзбекининг мард ўғлонлари — ҳарбийлар кириб келади. «Тинчлик гаровидир юрт посбонлари» деб номланган бу қисмда барча қўшин турларининг вакиллари бўлган ҳарбийлар Ватани мадҳ айлаб, Қуролли Кучларимиз қудратини намойиш этади. Уларга қараб дилларда ифтихор уйғонади, Ватан тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ишончли қўлларда эканига амин бўлади киши.



Шундай ҳаяжонли пайтда хаёл олиб қочади. Фараҳбахш дақиқаларда босиб ўтган йўлларимизга назар ташлагиси, кўкрак кериб, халқимиз қўлга киритган улкан ютуқлардан гурурлангиси келади кишининг.

Байрам бошланди. Ўзбекинг яловбардор ўғлонлари майдонга кириб келади. Чарх ураётган парриўй қизлар рақси эса юракларни сел қилаётган оҳанглар қанотида парвоз қилади. Осмонга минг-минглаб шарлар учирлади.

Бу дунёда бола қийқиригидан кўра жозибалироқ товуш борми?! Болалар яйрасин, болалар кулсин, еру кўни қолласин шўҳ овозлари! «Болалар — юрт эртаси» — аъна-нага кўра жажжи болаҳонларимиз бошлаб берган байрам томошаси ана шундай номланади.

Охулар мисоли сакраб, қувала-шиб рақсга тўшаётган болаҳонлар

Бир қўшиқ бер, мазий оёққа турсин! Бир қўшиқ бер, дўст қалбига ёғду, ганим юрагига қутку солсин!» дея илтиҳо қилган халқининг Ватан ҳақидаги қўшиғи бошланади. Қалбларга титроқ, кўзларга халқа-халқа мунчоқ солади бу қўшиқ! **Сен ҳеч қимдан кам эмассан, паҳлавон, шавқатли халқ!**

Ўзбекинг яловбардор ўғлонлари майдонга кириб келади. Чарх ураётган парриўй қизлар рақси эса юракларни сел қилаётган оҳанглар қанотида парвоз қилади. Осмонга минг-минглаб шарлар учирлади.

Бу дунёда бола қийқиригидан кўра жозибалироқ товуш борми?! Болалар яйрасин, болалар кулсин, еру кўни қолласин шўҳ овозлари! «Болалар — юрт эртаси» — аъна-нага кўра жажжи болаҳонларимиз бошлаб берган байрам томошаси ана шундай номланади.

Охулар мисоли сакраб, қувала-шиб рақсга тўшаётган болаҳонлар

Бир қўшиқ бер, мазий оёққа турсин! Бир қўшиқ бер, дўст қалбига ёғду, ганим юрагига қутку солсин!» дея илтиҳо қилган халқининг Ватан ҳақидаги қўшиғи бошланади. Қалбларга титроқ, кўзларга халқа-халқа мунчоқ солади бу қўшиқ! **Сен ҳеч қимдан кам эмассан, паҳлавон, шавқатли халқ!**

Ўзбекинг яловбардор ўғлонлари майдонга кириб келади. Чарх ураётган парриўй қизлар рақси эса юракларни сел қилаётган оҳанглар қанотида парвоз қилади. Осмонга минг-минглаб шарлар учирлади.

Бу дунёда бола қийқиригидан кўра жозибалироқ товуш борми?! Болалар яйрасин, болалар кулсин, еру кўни қолласин шўҳ овозлари! «Болалар — юрт эртаси» — аъна-нага кўра жажжи болаҳонларимиз бошлаб берган байрам томошаси ана шундай номланади.

Охулар мисоли сакраб, қувала-шиб рақсга тўшаётган болаҳонлар

шодлик ва қувонч ҳақида, офтоб ва китоб ҳақида қуйлайди. Уларнинг биллурдек шаффоф юракларида ўтмишнинг аламий кунларидан, ҳасрату армонлардан қолган доғлар йўқ. Улар озод юрт болалари. Куй ва қўшиқлари ҳам шунга монанд. Шўҳ болакайлар ортидан саҳна марказига мамлакатимизда кенг қанот ёзган барқамол ва соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилувчи оммавий спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Барқамол авлод», «Универсиада» иштирокчилари ва голиблари кириб келади. Улар сафида мамлакатимиз шухратини оламга ёйган машҳур спортчилар — Ўзбекистон ифтихорлари бор.

Мустақилликнинг илк кунларида ноқ Юртбошимиз ёш авлодни барқамол, соғлом қилиб воёга етказишга алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жағмафари ташкил этилгани бу борадаги навбатдаги дадид қадимдир. «Болалар спорти» деган янги атама пайдо бўлди. Бугун юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида, маҳалла ва қишлоқларида болалар спортини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳмудҳўжа Бехбудий «...биз ерлик мухторият тилаймиз ҳам муни эълон қилдик. Бизнинг ер ва амлоқимизнинг тақсимини хоҳлайдурганларга бутун жон ва имонимиз ила муқобила қилуримиз...» деса. Фитрат уни давом эттирди: **«Тангри учун, Пайгамбар учун, Дин учун, Миллат учун, келинг, бирлашайлик, орамиздаги шахсий тортишмалар, синфий айриликлардан кўз юмайлик; ислом динининг биринчи буйруғи бўлган қардошлик ва иттиҳод боғлари билан боғланайлик; Ҳақ йўлинда, Дин йўлинда, Ватан йўлинда, Миллат йўлинда жадидимиз, қадимимиз, муллаимиз, бойимиз ва авомимиз бир ерда тўпанайлик; бир-биримизга кўмакчи ва мададор бўлайлик».**

...Залда қарсақлару олқишлари ҳали тинганича йўқ эди. Президентимиз улуғ алломаларимиз — Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мир Алишер Навоий каби даҳо бобоқалонларимизни тилга олдилар. Яна наздидда, ўша кез, ўша он бутун Ўзбекистонни, Ўзбекистонликларни, айни пайтда жуда катта юрак ва жуда катта журъат билан Мустақилликни эълон қилган ўғлонни Ислам Каримовни уларнинг руҳлари қўллаб-қувватлаётгандек бўлиб турди. Имоним қомил эдик, ўшанда залдаги барча кўнгли тоза (яширишга не ҳожат, кўнгли тоза эмаслар ҳам бор эди-да, уни кейинги курашлар кўрсатди...) халқ ноиблари, меҳмонлар ва тақлиф этилганлар Рўҳ озодлиги, Қалб поклиги, Иймон, чўнг ирода, мардлик, юртпарварлик, миллату Ватан учун фидойилик сингари асл фазилатлар наслимизга, қон-қонимизга сингиб кетганлигини равшан илғагандек бўлишди. Аждодларнинг руҳи-поклари ўша сонияларда тепамизда айланиб туриб, кўнгли-

ларимизга ғайрат, умидимизга умид қўшаётганини ҳис қила бошладик.

МАШАҚАТЛИ КУНЛАР. Истиқлол ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда осонлик билан қўлга киритилган эмас. Лекин, ўша кун, ўша он — бугун беҳад қувончлар билан нишонлаётган Мустақилликимизнинг 12 йиллиги — **КАТТА ЙЎЛНИНГ** бошланиши эди. Бошланган бу йўлнинг юки оғир, машаққатли, серғалаён ва серташвиш эди. Четдан ва ичкаридан: «қани, нима қиларкин?» дея шунчаки қузатиб турганлар ҳам ёки очикдан-очик галамислик йўлига ўтганлар ҳам бор эди. Ивғолар, фитналар, низолар, тўхматлар, портлатувлар... Заҳ, рутубатли бурчаклардан висир-висирлар, мингирлар... Қўқон, Тошлоқ, Паркент... фожиалари...

Ўз йўлимиз, Ўз моделимиз. Не ажаб, не саодатки, ҳаммаси ортда қолди. Юртбошимиз: **«Биз бу кунларга не-не қурбонлар бериб, чексиз меҳнат-машаққатлар эвазига эришдик»** — деганларида минг бора ҳақ эди. Ўз вақтида Акмал Икромов ҳам айтган эди: **«Халқимизнинг имкониятлари катта, тафаккури кенг, фарзандлари фақат эзгу ният билан ашайдиган ўғлон қизлардир. Шундай экан, биз эртанги кунимизни янада юксакроқ ва порлоқроқ тасаввур этишга ҳақимиз».**

Ана шу **ҲАҚЛИК** — Ислам Каримов раҳнамолигида мустақил замон қўлидан тортиб олинган Мустақилликимизнинг нақ ўзгани эди!

Унинг пойдеворидан бошлабоқ, биринчи галда тилимизни, динимизни, ўрф-одатимизни, миллий маънавий қадриятларимизни буткул йўқолиб кетиш хавфидан сақлаб қолишга, асраб-авайлашга, азалий мазмуни ва қудратини тиклашга сый-ҳаракат қилдик. Ер ости ва ер

усти захираларимиз ҳўжайинлиги ўз қўлимизга теғди. Худудимиз, чегараларимиз ва иқтисодийимиз халқимизнинг куч-қудратига таянган мустақам ҳўмога олинди. Давлатимиз бошқарувида, ташқи ва ички сийосатимизда мустақил эркин давлатга муносиб таркиб (шакл) тузишга киришдик. Аҳолининг, кўп болани ва кам даромадли оила-ларнинг, ночору ногиронларнинг кучли ихтимой муҳофазасини йўлга қўйдик. Бирор бир мамлакатнинг моделини эмас, ўз моделимизни яратиб, унда юртимизнинг ўзига хос хусусиятларига, шарт-шароитларига, миллий ва маданий аъналарга асосландик. Мафкурабозлик ва дунёқарашдаги яққа ҳўқимликдан воз кечиб, чинакам демократиянинг зарур ҳамда қонуний таркиби — кўлпартиялиқни шакллантирдик. Миллий парламентаризмнинг асослари ва тақомил йўлларини яратдик...

Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан илк бор **«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат»** дея хитоб қилганда асл мақсади — инсонпарварлик, виждон ҳўрлиги, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, фуқаро ҳўқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлай оладиган тизим — **КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ** қадам ташлаганимизни бутун жаҳонга маълум, манзур қилдик.

Энг муҳими, юртимизда миллатлараро тотувлик ва фуқаролик бирлиги заминиде тинч, осойишта, барқарор сийсий-ижтимоий вазият барпо этюлдик. Дунё ахли Ўзбекистонни, ўзбек халқини таниди, тан олди!

Унинг ҳар бир оиласида бугун яхшилик ва рўшнолик, болаларга меҳр, катталарга ҳўрмат, ўзгалар қайғусига ҳамдардлик муҷассаму мустақаб.

Публицистика

ИСТИҚЛОЛ, УЛУҒЛАЙМАН СЕНИ ТО АБАД!

Ёхуд миллий манзилимиз — ОЗОДЛИККА ТАШНАЛИК

ОЛТИН ҲАРФЛАР БИЛАН МУҲРЛАНГАН СЎЗЛАР

1999 ЙИЛ 31 АВГУСТ

...Сақкиз йиллик мустақил ҳаётимиз да-
вомида кўп нарсага кўзимиз очилди, оқни
қорадан, дўстни душмандан, муҳимни но-
муҳимдан ажратишга, кимга суяниш, ни-
мага таяниш мумкинлигига ақлимиз
етди...

— Мустақилликнинг Катта йўли бошлангани-
га 12 йил бўлди. Бу давр ичида бошимиздан
кечирган воқеалар ва эришилган ютуқлар тан-
лаган йўлимиз ҳамда мақсадларимиз мутлақ
тўғри эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб,
исботлаб, тасдиқлаб турибди.

Ҳўш, бу ўзгариш ва янгиланишларни, юк-
са-лишни ҳар биримиз нималарда кўраёмиз?

Мурод ШАРИФҲУЖАЕВ,
Тошкент молия институ-
ти ректори, Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажли-
си депутати, академик:

— Ҳўн икки
йилнинг ўн
икки манзи-
ли, ўн икки
бекати ора-
лиқларидаги
масофаларга
кўз ташласам,
уларнинг би-
ридан-бирига ўтган сайин
эришган ютуқларимиз тобора
салмоқли, залворли бўлиб бо-
раётганини ҳис қиламан.

Лўндасини айтсам, биринчи
галда биз иқтисодий мустақил-
ликка эришдик. Биласиз, иқти-
сод — ҳаёт ва тирилик негизи.
Аниқроқ айтганда, иқтисодиётда
бўйруқбозликка ва ўта марказ-
лаштирилган ҳамда тақсимотчи-
ликка асосланган тизимдан бу-
тулай халос бўлидик. Парламент-
да қабул қилинган қарорларга
кўра, мулкчиликнинг барча қўри-
нишлари — давлат мулки, шир-
кат мулки, хусусий мулк ва бошқа
эгаллик шаклларига ҳуқуқий тенг-
лик берилди. Қадамба-қаддам
бозор иқтисодиётига ўтиб, та-

шаббускорлик ва ишбилармон-
ликни авж олтирдик. Чет эллик
шериклар ва хориз сармояла-
рига кенг йўл очдик.
Буларнинг ҳаммаси халқ

— Ҳўн икки
йилнинг ўн
икки манзи-
ли, ўн икки
бекати ора-
лиқларидаги
масофаларга
кўз ташласам,
уларнинг би-
ридан-бирига ўтган сайин
эришган ютуқларимиз тобора
салмоқли, залворли бўлиб бо-
раётганини ҳис қиламан.

хўжалигининг барча тармоқла-
рига ёппасига суръат ва сифат
бағишладик. Натижада, ғалла,
нефть, газ, энергетика, рангли
металлургиядаги мустақиллик-
лар ўлкаимизнинг ҳам, халқимиз-
нинг ҳам бекиёс салоҳиятга эга-
лигини яққол намоён қилди...

Оқилжон ОБИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
меҳнат ва аҳолини ижтимо-
ий муҳофаза қилиш вази-
ри:

— Аҳолимизнинг, кўп бо-
лалли ва кам даромадли
оилаларнинг, ночор-ноғирон-
ларнинг, фахрийларимиз-
нинг ижтимоий таъминоти —

2000 ЙИЛ 31 АВГУСТ

...Эй, улуг Ўзбекистоннинг навқирон авлоди!
Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган
мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп.

Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк,
энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиклолини,
халқимиз эрку озодлигини кўз қорачиғида
асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир...



давлатимиз
бошқаруви-
да бош ма-
сала мақоми
даражасига
кўтарилгани
хурриятда
ўтган 12
йилнинг илк
кезлариданоқ
йўлни тўғри
олганимизни
кўрсатиб турибди.

Янги тизим барпо этишда
табиий ҳолда юзага чиқадиган
айрим қийинчиликлардан

— Ҳўн икки
йил ичида
ширкат хўжа-
ликларига
кенг йўл оч-
либ, уларга
эркинлик бер-
рилишининг



Мамадиёр ОРОЛОВ,
Жиззах вилояти, Фориш
тумани, Мусоқул Оролов
номли ширкат хўжалиги
раиси, Ўзбекистонда хиз-
мат кўрсатган чорвадор:

— Ҳўн икки
йил ичида
ширкат хўжа-
ликларига
кенг йўл оч-
либ, уларга
эркинлик бер-
рилишининг

2001 ЙИЛ 31 АВГУСТ

...Бизнинг истиклол йўлида қўяётган шахдам
қадамларимиз дўст-биродарларимизни қувонти-
риб, бизни кўролмайдиган, эришган ютуқлари-
мизга ҳасад билан қарайдиган, танлаган йўли-
миздан қайтаришга уринаётган ғанимларимиз
учун — улар буни хоҳлайдими, йўқми, бундан
қатъи назар — аччиқ ҳақиқат бўлиши даркор...

натимни кадрлаб, «Ўзбекистон-
да хизмат кўрсатган чорвадор»
унвонига лойиқ қўрганлиги учун
шахсан Юртбошимизга раҳмат...

Ўткир МУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Ака-
демиясининг катта илмий
ходими, катта лейтенант,
юридик фанлари номзоди:

— Ҳокимиятнинг ҳар хил иғво-
пўнжасалар, санжияси «юриш-
лар ва зўравонлик билан ўзгар-

ни уюштирган (ва яна уни уюш-
тирмоқчи бўлаётганлар бўлса
агар!) шунинг билан қўйишлари
керак: тинчлигимиз ва осойиш-
талигимизга раҳна солувчи
қонундан ташқари ҳар қандай
ҳолатларнинг айбдорлари те-
гишли жазосини олади...

Ўтган ўн икки йил ичида мам-
лакатимиз ички ишлар тизими
ва миллий армиямиз ҳам куч-
қудратга тўлиб шаклланиб олди.
Бирор ёт унсур гараз ният бил-
лан худудимиз ёки чегарамиз

2002 ЙИЛ 31 АВГУСТ

Биз ўз озодлигимизни, ўз тақдиримизни қўлга
олиб, тарихан қисқа даврда ҳақиқатан ҳам ўзи-
нинг маъно-моҳияти билан бир йили ўн, балки
юз йилларга тенг келадиган мураккаб ва шу
билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтдик...

(Ушбу сўзлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам
Каримовнинг 1991-2002 йилларда 31 август куни — Мустақиллик
байрами тантаналарида сўзлаган нутқларидан олинди.)

фақат ўз мам-
лакатимиз
иктисодиёти-
га хизмат
қила бошла-
ди.

Муҳими,
дунё мадани-
яти дурдоналари қаторидан жой
олган илмий, маънавий бойлик-
ларимиз ўзимизга қайта бош-
лади. Жаҳоннинг илгор мамла-
катларида янги жамият қуриш
жараёнлари борасида тўп-
лан-



олмасдан (ҳатто улар бирор
ижобий натижа берган тақдир-
да ҳам), балки ўз миллий мен-
талитетимизга татбиқ қилса
бўладиган (ўзига хос хусусият-
лар, шарт-шароитлар, анъана-
лар инобатга олинган) мос мо-
деллимизни ярата олди.

Мустақил, демократик,
ҳуқуқий жамият қуришга кириш-
дик. Кучли давлатдан — кучли
фуқаролик жамияти сари қадам
ташладик.

У — миллати, дини ва эъти-
қидан қатъи назар фуқаролар
ҳуқуқлари ва эркинлигини таъ-
минлаб беришга, уларнинг дав-
лат тузилмалари иши ҳамда жа-
моат турмушида фалол қатнаши-
шига асосланади. У бизни маф-
курабозлик ва дунёқарашнинг
якка ҳокимлигидан қутқазиб, чи-
накам демократиянинг энг зарур
таалаби ҳамда қонуний,
ҳаётий таркиби — кўппартияли-
ликни шакллантиришимизда
қўмак беради...

ган ижобий ва мақбул тажри-
балардан фойдаланишда, улар-
ни шунчаки кўр-кўрона кўчириб

БИЗНИНГ ХУЛОСА: Сўхбатдошларимиз сўзларининг маз-
мун-мундарижасидан сезган бўлсангиз, мустақил Ўзбекистон
давлати пойдеворининг тамал тоши устида қурилатган
Истиклол иншооти тобора юксалиб, баланглаб бормоқда. Энг
муҳими, дунё аҳли меҳнатқаш, ҳалол, ўз туپроғининг жонқуяр
соҳиби — ўзбек халқини таниди, тан олди. Унинг мустақил,
суверен Ўзбекистон Республикаси мақомидаги ҳурмати ва ну-
фузи билан энди қурраи-замин афғор оммаси халқаро андоза-
лар даражасида муомала қиладиган бўлди.

Ҳўн икки йилда ошиб ўтиган ўн икки доvon йўлининг ўн икки
бекати оралиғида эришилган жамики ютуқларимиз ўзаги ҳам шунда!
Тилагимиз — она-юртимиз тобора гуллаб-яшнасин, дунё-
нинг энг обод, гузал, қудратли давлатларидан бирига айлан-
син. Биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизни дунё кўрсин, билсин.
Бунга эришиш ҳар биримизнинг фидокорона меҳнатимизга
боғлиқ, албатта.

Замон АЛИ

ЎН ИККИ ДОВОН: 12 ЙИЛНИНГ 12 БЕКАТИ

ОРАЛИГИ МАСОФАЛАРИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ НИГОҲИДА

фазандларимизни асраш
чоралари кўрилатгани ҳам
катта аҳамиятга эга. Шунинг-
дек, пенсия, стипендия, на-
фақа пуллари миқдори йил
сайин бот-бот ошиб бориб,
меҳнат шариоитини яхшилаш
ва аҳолининг иш билан банд-
лик муаммоларини ҳал этиш
борасидаги тажрибаларимиз
ҳатто кўшни ҳамда айрим хо-
риж мамлакатларида ўргани-
лаяпти ҳам. Шуларнинг
ўзиёқ, истиклолдаги энг му-
ҳим мақсадимиз — халқимиз-
ни ижтимоий жиҳатдан ҳал
этиш, таъминотини узлуксиз
ташқил этиш эканлигидан
ёрқин далолат...

ўзи, истиклолга қадар буни ин-
тиқ кўтиб юрганлар учун мисо-
ли бир доvon ошиб ўтилгандай
гап. Мана, энди бу борадаги
тажрибалар ва иқтисодий ян-
гиликлар рағбатлантириляпти.
Собиқ иттифоқ давридагидек
тайёрга айёрлик кайфияти ту-
тилди. Хорижий мамлакатлар,
ишбилармонлар, банклар, иқти-
содчилар билан тенг ҳуқуқли,
ўзаро манфаатли алоқалар бо-
ланди. Чет эл сармояларини
олиб келиш учун керакли шарт-
шароитлар яратилди.

Алоҳида айтишим керак
бўлган яна бир гап — муста-
қиллик 12 йиллиги муносабати
билан менинг камтарона меҳ-

тиришни ният
қилганлар
қувварани до-
имо хом сана-
ётганликлари-
ни ўтган 12
йил тажриба-
си яққол ис-
ботлаб берди. Республикаимиз-
нинг ҳудудий яхлитлиги ва хавф-
сизлигига қарши чиқадиган,
миллий ва диний адоват уруғи-
ни сепадиган қалтабни кимса-
ларнинг ҳар қандай хатти-ҳара-
катига керакли зарба берилди.
Конституциявий тузумга, халқ-
нинг маънавий негизларига та-
жоввуз қиладиган ёвуз кучлар
ва турлича қалтис ҳаракатлар-



Гавҳар ИБРОДУЛЛАЕВА,
«Маънавият ва маъри-
фат» марказининг Хоразм
вилоят бўлими раҳбари,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси депутати:

— Тилимиз, динимиз, урф-
одатларимиз, миллий маънавий
ва маърифий қадриятларимиз
тикланмоқда. Ер усти ва ер ости
заҳираларимиз энди фақат ва

дахлсизлигини бузиб кўрсин-чи,
тавбасига таянтирилади. Жану-
бий чегараларимиз — Сарпо-
сий ва Узун туманлари сарҳад-
ларига суқулиб киришга урин-
ган халқаро террорчилар қис-
мати бунга мисол.

— Тилимиз, динимиз, урф-
одатларимиз, миллий маънавий
ва маърифий қадриятларимиз
тикланмоқда. Ер усти ва ер ости
заҳираларимиз энди фақат ва


дахлсизлигини бузиб кўрсин-чи,
тавбасига таянтирилади. Жану-
бий чегараларимиз — Сарпо-
сий ва Узун туманлари сарҳад-
ларига суқулиб киришга урин-
ган халқаро террорчилар қис-
мати бунга мисол.

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Аждодлар хотирасига ҳур-
мат баҳо этиш ҳар бир инсон
учун фарз, деди Ислам Ка-
римов. Бугунгидек кутлуг кун-
ларда Шаҳидлар хотираси
ёдгорлик мажмуғига келиб,
қатагон қурбонларини зиёрат
этиш кишининг руҳини янада
поклайди.

Ўзлигини англамаган халқ
ўз қадрини ҳам етмайди. Шу-
нинг учун бугунги авлод аждо-
длар меросидан фақат фах-
рлини эмас, балки уни ри-
вожлантириши ҳам зарур.
Ушанда биз халқимизнинг
улуг инсонлари олдидаги
фарзандлик қарзимизни ўзган
бўламиз. Шу боис ёшларимиз
қалбига бугунги ҳаёт ҳақиқати-
ни тўла сингдиришимиз ке-
рак. Ўзлигини, аждодлари
қимлигини теран англаган
ёшлар ҳар хил бузғунчи
ғоялар таъсирига түшмайди.
Фикри тоза бўлади, эл-юрт
ва унинг тинчлиги, фаровон-



лиги учун масъуллигини ҳис
қилиб яшайди.
Истиклол йилларида кўп
эзгу, улуг ишларни амалга
оширдик ва оширмақдамиз.
Ҳар бир фуқаро бу жараёнда
фақат томошабин эмас, бал-
ки унинг фаол иштирокчисига
айланмоғи керак. Фарзандла-

римизнинг яхши яшаши учун
ҳар ким ўз хиссасини қўшимоғи
лозим, деди Ислам Каримов.
Давлатимиз раҳбари сўхбат
чоғида Қатагон қурбонлари
хотираси музейида турли ан-
жуманлар ўтказиш, ёшлар,
ўқувчилар учун ҳар хил учра-
шувлар ташқил этиш лозим-

лигини таъкидлади.
Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ
♦♦♦
Суратларда: «Шаҳидлар
хотираси мажмуғи»даги ма-
росимдан лавҳалар.
Абдувоҳид ТўРАЕВ
(ЎЗА) олган суратлар

Унинг ҳар бир фуқаросида Ватанига тош отган ёки гараз
ниятда сарҳадини бузиб, суқулиб киришга уринган ҳасадгўй
душманларга лоқайдлик билан қараб туришга тоқат йўқ.
МИЛЛИЙ МАНЗИЛИМИЗ. Икки-уч йил олдин мамлака-
тимиз жанубий чегараларига илондек судралиб кирган хал-
ққаро террорчи гандарларга қарши жанглари бир эслаб
кўриниб, Ушанда Ватан деб, Мустақиллик деб не-не ўғлон-
ларимиз жонини жаҳаннамга ташлашмади: **Маҳмуджон Жа-
лилов, Алишер Салимов, Фағружон Ражабов, Бобур-
жон Ғаниев, Сайёр Саъдинов, Улугбек Барноев, Қахра-
мон Мадалимов, Маъруфжон Ражабов, Эломон Ота-
жонов, Абдуҳалим Тошқулов, Юнусжон Охуннов, Дони-
ёр Тожибоев...**

...Бугун кутлуг айём арафасида уларнинг ҳам руҳларини
шод қилмоқ, тиловат ўқимоқ, таъзим этмоқ — ҳар бири-
мизнинг инсоний бурчимиз. Зеро, уларнинг ҳам қалбиди,
дилиди, кўнглиди Широк, Тўмарис, Муқанна, Спитамен,
Нахмиддин Кўбро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур
сингарини алпона аждодларимиз, Қодирий, Чўлпон, Бехбу-
дий, Фитрат, Авлоний, Мунаввар Қори каби зиёлилари-
миздек Ватанини астойдил сева олиш, унинг озодлиги йўли-
да ўз ҳаётини қурбон қила олиш фидолиги бор эди. Улар-
нинг ҳам қалбиди, дилиди, кўнглиди бугун бутун жаҳон тан
олган Истиклолимизнинг миллий манзили бир эди, битта
эди: **Адолат! Мустақиллик!**
Садриддин Айний куйлаганди:
**Кўп жафолар чекиб зулм ичинда,
Йиғладинг, инграднинг неча йил.
Муздадинг намли зиндон тубида,
Э, Адолат ўти, Яшнагин!**

...Яшнаган Адолат ўтининг ҳимояси ва асрлар оша у
тобора алангалиб турмоғи учун Президентимиз Муста-
қилликнинг бир йиллиги билан (1992 йил) Ўзбек халқига
йўллаган кутловида сизу бизни шундай аҳд қилмоққа чор-
лагани ҳамон эсимда:
— **Жонажон диёримиз, Ватанимиз, заманимиз учун
бутун борлигимизни бағишлаймиз!**
— **Танлаган йўлимиздан қайтмаймиз!**
— **Истиклолимиз учун бутун ҳаётимизни, тангримиз
ато қилган олижаноб фазилатларимизни, фидойи меҳ-
натимизни аямаймиз!**
...Ҳаёлимга яна ўгли шеърини сатрлар келади. Чўлпон-
дан:
**Кўз очинг, боқинг ҳар ён!
Қардошлар, қандай замон!
Шодликка тўлди жаҳон!
Фидо бу кунларга жон!**

**Хуррият — байроғимиз,
Адолат — уртоғимиз,
Хурсанд бўлган чоғимиз
Мевалансун боғимиз!**
...Илло, меваланган боғларни сақлаб қолмоқ, ҳимоя қил-
моқ, гулламоқ, яшнатмоқ, қуйлаб ўтмоқ ва то абад улуг-
ламоқ барчамизга насиб этгай.
Номоз САЪДУЛЛАЕВ
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган журналист

«ТОШКЕНТСУТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни
Мустақилликнинг
12 йиллиги
билан қизғин ва самимий
табриклайди

**ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР,
АЗИЗЛАР!**

**Истиклол йилларида таъ-
минланган ғалла, нефть, газ
ва энергетика мустақилли-
ги сингари деҳқон ва фер-
мерлик ҳаракати мустақил-
лиги мамлакатимиз куч-қуд-
рати, салоҳияти ҳамда ну-
фузини оширишда бундан
буён ҳам ижтимоий-иқти-
содий таянч бўлиб хизмат
қилиши, шаксиз. Бинобарин
шу боис қайта ишлаш учун
корхонамизга келаётган хо-
машё ҳам кўпаймоқда.**

**Азиз юртаошлар!
Барчангизнинг
авастурхонингиз тўқан
бўлиб, хонадонингизга
осойишталик ҳуққи сурсин!
Сор-саюматлик доим
ҳанроҳингиз бўлсин!**

«Golden Wing»

**Ўзбекистон — Туркия
қўшма корхонаси акциядорлик
жамияти жамоаси**

Ўзбекистон халқини

Истиқлолнинг 12 йиллиги

байрами билан самимий муборакбод элади.

Ҳн икки йил кўна тарих олдига иё наҳза бўлса-да, унинг салтоғи, салоҳияти ва қудрати бекиёсди. Зеро, мамлакатда исми кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ёркин самарасидир.

Ўзбекистон халқини энг азиз, энг қулғ байрам билан табриклар эканмиз, тинчлагимиз: хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, қайғу барақа аримасин, эгиз мақсадлар иқнида омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Golden Wing
O'zbekiston - Turkiya qo'shma korxonasi ochiq aksiyadorlik jamiyati



«Эйвалек маҳсуе темир-бетон» очик акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси

серкуёш Ўзбекистон халқини энг улуг, энг азиз, қулғ байрам — мамлакатимиз

Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан самимий қутлайди.

Мустақиллик йилларида корхонамиз таниб бўлмас даражада юксалди, ривожланди. Эндиликда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари жаҳон андозаларидан асло қолишмайди. Жамоамиз аъзолари бир тан, бир жон бўлиб халқимизнинг озод ва обод ватан қуриш йўлидаги олижаноб саъй-ҳаракатларига кўпроқ ҳисса қўишиш учун бутун имкониятларини сафарбар этаверади-лар. Мустақиллик бизга ўз кучимизга, ўз имкониятларимизга ишонч бағишлади. Биз эса унга жўшқин меҳнатимизни бағишлаймиз!

Озод ва хур ватанмиз янада гуллаб-яшнасин,
ҳар бир хонадондан фаровонлик, қут-барақа аримасин!
Улғ байрам муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla O'RIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbob SHAKAROV
(Bosh muharrir
birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari
«Golos Uzbekistona»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen
QAIYBERGENOV
Abdug'ani
MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI MARKAZIY
KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va
xalqaro hayot
133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va
iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-57-20
Axborot, sport va
harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va
ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80,
133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT,
MABUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.

Naybatchi
Zeyniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O'zbekiston
ovozi»ning kompyuter
markazida terildi va
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Shara» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi Davlat
Mabuat Oo'rtasida
00004-raqam bilan
yo'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi»
materiallarini ko'chirib
boshish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshriladi.

Г — 862

7814 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 24.45
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA